



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2012 йил 9 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 157 (12.218)

Баҳоси эркин нарҳда

21
O'ZBEKISTON

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

XXI аср
Барча манбалардан
олинган сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН ТАРАННУМИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшларни эзгу мақсадлар сари руҳлантирадиган, ихлосмандларнинг кўнгли мулкига айланадиган юксак савияли кўшиқларни яратиш, мусиқа таълимини замон талабларига мос тарзда олиб бориш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширишга қўлланаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан бундан ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловида бу жиҳатлар ўзининг эркин ифодасини топмоқда. Ушбу танловда ёши, миллати, касби ва профессионал тайёргарлигидан қатъи назар, барча ҳамюртларимиз тақдиримиз, бахтимиз, эркин ва обод Ватанимизни улғулочки куй-кўшиқлар билан қатнашмоқда.

Бу йилги кўрик-танловнинг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимида ўтказилган куй босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қарийб 400 нафарга яқин ҳаваскор ва

профессионал хонанда иштирок этди. Уларнинг 40 нафарга яқини финалда ўз маҳоратини намойиш этди. Мусиқий асарларни баҳолашда кўшиқ сўзининг мазмуни, бадиий савияси, халқчилиги, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ғоялари билан йўғрилганига асосий эътибор қаратилди.

Ҳаваскор хонандалар ўртасида «Дурдона» гуруҳи, фарғоналик хонанда Сайёра Маматқулова биринчи ўринга сазовор бўлди. Профессионал хонандалар ўртасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Илхом Иброҳимов (Фарғона) биринчи ўринга лойиқ топилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа ГОТЬЕ билан суҳбатлашди.

ФРАНСУА ГОТЬЕ: МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКISTONNING ЖАҲОНДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

– Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлини қандай баҳолайсиз?

– Ўзбекистон билан Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига йигирма йилдан ошди. Бугун ҳамкорлигимиз самаралари юксак эканлигини таъкидлаш мумкин.

Биринчидан, мамлакатларимиз ўртасида ўтган вақт мобайнида мустаҳкам даражадаги ҳамкорлик муносабатлари қарор топди. Икки томон ҳам ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қатта қизиқиш билан қарамоқда. Франция жаҳон миқёсида ўзининг муносиб ўрнига эга Ўзбекистонга қатта ҳурмат-эҳтиром билан қарайди. Ўзбекистон ўз навбатида, Франция билан ҳамкорликка алоҳида эътибор бермоқда.

Иккинчидан, кўп томонлама ҳамкорлигимиз фақат савдо-иқтисодий ёки сиёсий соҳаларни эмас, балки бошқа кўплаб йўналишларни ҳам қамраб олган. Ўзбекистон ҳам, Франция ҳам ўзаро самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш учун улкан салоҳиятга эга. Шунинг учун муносабатларни янада ривожлантиришга изчил ҳаракат қилинаётир.

Шунингдек, ҳамкорлик нафақат давлат органлари ва корхоналари даражасида, балки бошқа кўплаб ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида ҳам фаол тараққий этмоқда. Сайёҳлик соҳасини, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш самарасида халқларимиз ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланмоқда. Бу қўшма лойиҳаларни, турли ташаббусларни амалга оширишга хизмат қилаётди. Мисол учун, таълим соҳасида қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, мамлакатларимиз олимлари ташаббуси билан астрономия соҳасида илмий ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Бир сўз билан айтганда, кўплаб соҳа ва иштирокчиларни қамраб олган ҳамда изчил ривожланаётган ҳамкорлигимиз мустаҳкам асосларга эга.

– Ўзбекистонда мустақиллик йилларида турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самаралари ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

– Одатда кўпчилик ёш давлатнинг тараққиёт ва ривожланиш йўлида қандай қийинчиликларни енгиб ўтишини ҳар доим ҳам қўқур англай олмайдими. Мустақиллик – ҳар доим улкан синовдир. Ўтган йигирма бир йил давомида Ўзбекистон ўзининг қатъий қўли ва салоҳиятини ишга солиб, улкан ютуқларга эришишга муваффақ бўлди.

Бугун Ўзбекистон минтақада ва бутун жаҳонда қатъий мавқега эга мустақил мамлакатга айланди. Бундай муваффақиятларга тинчлик ва тараққиёт йўлидан соҳибхоналик билан бориш орқали эришган мамлакатингиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бу борада мамлакатингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистонга дўст ва ҳамкор давлатларнинг бурчидир.

– Сизнингча, Ўзбекистон ва Франция яна қандай йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштириши мумкин?

– Юқорида айтиб ўтганимдек, ўзаро ҳамкорлигимиз кўплаб соҳаларда муваффақият билан изчил ривожланмоқда. Аммо бу борада эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан, фойдаланилмаётган мавжуд барча имкониятларни ишга солишимиз зарур. Жорий йилнинг охирига қадар илмий ҳамкорликни янада кенгайтиришга йўналтирилган қатор янги лойиҳаларни тақдир этиш ниятидамыз. Масалан, ушбу йўналишда астрономия ва фазовий фанлар қатъий истиқболга эга. Мамлакатларимиз, шунингдек, ҳуқуқ ва юридик соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳам кўплаб ютуқларга эришди. Франциялик эксперт ва ҳуқуқшуносларнинг Ўзбекистонда ўтказилган турли тадбирларда иштирок этиши уларнинг ўзбекистонлик ҳамкасблари томонидан юқори баҳоланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКISTON BANK TIZIMI HALQARO REYTING AGENTLIK LARI TOMONIDAN YUKS AK BAHOLANMOQDA

Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган мўрақаб даврда ҳам Ўзбекистон иқтисодийотида барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолаётганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Халқаро мутахассисларнинг бу борадаги кўплаб ижобий фикрлари ютуқларимиз жаҳон миқёсида эътироф этилаётганидан далolatдир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» амалда ўзининг юксак самараларини бермоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодийотининг барқарор ривожланиб, халқимиз фаровонлиги изчил юксалиб бораётганлиги мисолида яққол кўриш мумкин. Айни пайтда иқтисодийотнинг қон томирлари деб таъриф берилган мамлакатимиз банк тизими дунё молия-банк тизими тамойилларига ҳамоҳанг равишда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтаётган ҳар бир кун бизни Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик тўйига тобора яқинлаштирмоқда. Ўтган йилларда амалга оширилган улкан ишлар, изчил ислохотлар ва бетимсол янгилишларнинг юксак самараларидан ҳар бир юртдошимизнинг кўнгли гурур ва ифтихорга тўлади.

Мазкур ҳужжатга биноан мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёр, мезон ва стандартлар асосида ташкил этиш ва уларнинг юқори баҳолирига эришиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган бундай тизимли тадбирлар, жумладан, тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капиталлашуви даражаси ва ликвидлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро рейтинг агентликлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар нати-

жасида банк тизимида эришилган кўрсаткичлар нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб беради, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юксак баҳоларга сазовор бўлмоқда.

Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,2 фоизни ташкил қилиб, халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан қабул қилинган талабга (8 фоизга) нисбатан 3 баробар юқори. Банк барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири бўлган банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йилдан бундан 65 фоиздан юқори бўлиб, белгиланган минимал даражадан (30 фоиздан) 2 баробар кўпдир.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Ўзэкспомарказ» кўрғазмалар марказида Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг

соҳага оид Фармонлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказишга бағишланган кўрғазмали семинар ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан «Чилонзор» спорт мажмуасида туман ма-

ҳаллаларида истиқомат қилаётган 13-14 ёшдаги ўсмирлардан таркиб топган «Камолот» футбол жамоаси аъзолари учун ўқув машғулоти бошланди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ва «Қишлоқ қурилиш банк», «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ҳам-

корлигида «Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини яхшилаш ва қўламини янада кенгайтириш масалалари, кредит ажратиш тизимини такомиллаштириш ва ҳоржий тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британиянинг «Royal Bank of Scotland» молиявий муассасаси жорий йилнинг биринчи ярмида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан икки баробардан кўпроқ зарар кўрди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мамлакатнинг етакчи банки ҳисобланган ушбу ташкилот олти ой ичида 1,5 миллиард фунт стерлинг (2,33 миллиард АҚШ доллари) микдорида молиявий зиён кўрган. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, ушбу банкнинг 82 фоиз акцияси давлатга тегишли. Экспертларнинг сўзларига кўра, мамлакат ҳукумати яқин кунларда «Royal Bank of Scotland»ни бутунлай давлат тасарруфига ўтказиш ниятида.

• Америкалик олимлар тамаки маҳсулотларини, айниқса, тонгда чекиш инсон саломатлигига қатъий зиён етказишини аниқлади. Узоқ текширувлар натижасида маълум бўлишича, уйқудан уйғонгандан сўнг чекилган сигарет нафақат ўпка саратонини, балки бош ва бўйин саратонини ҳам келтириб чиқаради. АҚШнинг Пенн Стейт тиббийот коллежи вакиллари олиб борган тадқиқотлар натижасида эрта тонгда истеъмол қилинган тамаки маҳсулотини турли оғир хасталикларга чалиниш хавфини 79 фоиз ошириши маълум бўлди.

• Ҳиндистонлик Каилаш Сингх 38 йилдан бундан чўмилмайдими. Маълумотларга қараганда, ҳаво ҳарорати ўртача 47 даража иссиқлини ташкил этадиган Варанаси шаҳрида истиқомат қилувчи бу одамнинг танаси 1974 йилдан бундан сув кўрмаган. Унинг соқоли қарийб икки метрни ташкил этади. Каилашнинг айтишича, узоқ йиллар аввал унга бир авлиё ўғил фарзанд қўриш учун чўмилмаслик ва ҳар кеча олов атрофида рақс тушиш лозимлигини уқтирган экан. Етти нафар қизнинг отаси ўшандан бери роҳибнинг айтган гапидан чиқмайди. Бирок ҳануз ўғилдан дарак йўқ.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Икки йилдирки, «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимига «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда. «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг агентлиги ҳам мамлакатимиз банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Шунингдек, жаҳоннинг «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳо-сини олган банкларимиз сафи йил сайин кенгайиб бораётганлиги ҳам қувонарлиқдир.

Авалги йилларда халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингини олган тижорат банклари сони 13-15 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 26 тага етди. Ушбу банкларнинг банк тизими жами активларидаги салмоғи 98 фоиздан ошиб кетди. Мамлакатимизнинг етакчи банклари, жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки («Мудис»), «Стандарт энд Пурс», Аскабанк («Мудис»), «Фитч Рейтингс»), «Ўзсаноатқурилишбанк» («Фитч Рейтингс»), «Стандарт энд Пурс» ва Ипотекабанк («Мудис»), «Стандарт энд Пурс») бир пайтнинг ўзига иккита халқаро рейтинг агентлигининг «барқарор» рейтинг баҳо-сига сазовор бўлди.

Ўзбекистон банк тизимининг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлиги йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон тижорат банклари учун улар иштирокида халқаро рейтинг баҳолаш услубиётида қўлланиладиган мезёр, мезон ва стандартларга асосланган банк ва молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш борасида халқаро конференция ва семинарлар ўтказиш анъанага айланди.

Хусусан, шу йилнинг 12-17 март кунлари «Мудис», 17-19 апрель кунлари «Стандарт энд Пурс» ва 19 июнь кунин «Фитч рейтингс» агентликлари билан ҳамкорликда ана шундай амалий учрашувлар ўтказилди. 12 июнь кунин «Мудис» агентлигининг Ўзбекистон банк соҳасини баҳолаш бўйича фаолияти мавзусида, 19 июнь кунин «Фитч рейтингс» агентлиги билан «Ўзбекистон банклари: ташқи нобарқарор шароитда ривожланиш» мавзусида ва 25 июль кунин «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлигининг кредит рейтингини ҳамда унинг Ўзбекистон банклари томонидан қўлланилиши» мавзусида амалий конференциялар ўтказилди.

Семинар ва конференциялар давомида рейтинг агентликлари томонидан халқаро баҳолаш тизимига янгиликлар ва ўзгаришлар тўғрисида атрафчила маълумот берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон банк тизими ривожланиши юзасидан ижобий фикрлар билдирилди.

Жумладан, «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлигининг «Молиявий институтлар» (Лондон) гуруҳи ижрочи директори Жон Гиблинг раҳбарлигида халқаро таҳлилчилар Ўзбекистон Президентини Ислол Каримов ташаббуси билан мамлакат молия-банк тизимига амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида банкларнинг капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлиги тобора мустахкамланаётганини, кўрилатгани аниқ мақсадли чора-тадбирлар эса мамлакат иқтисодиётини глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислол Каримов томонидан банкларнинг молиявий барқарорлигини мустахкамлаш, уларнинг тўлов қобилиятини доимо ошириб бориш ҳамда банкларни мамлакат иқтисодиётининг локомотиви-га айлантириш ва бунда ташқи қарзларни оқилона жалб қилиш банк тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналиши этиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиш, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоида ставкалари асосида мақсадли жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда. Қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишонч ва кафолат бўлмаган пайтларда муайян лойиҳаларнинг кредитлаш бўйича айрим тақлифлардан воз кечилган ҳолатлар ҳам бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси мамлакатимиз иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг барқарор ишлашида ҳамда банк тизимининг молиявий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлди. Ушбу Дастур асосида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирлари ва оқибатларидан мустахкам ҳимоя қилиш имконини берди. Бу жаҳон миқёсида катта обрўга эга халқаро молия ташкилотлари, хусусан,

Халқаро валюта жамғармаси, халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Тошкент шаҳрида 2012 йил 25 июль куни ўтган «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлигининг кредит рейтингини ҳамда унинг Ўзбекистон банклари томонидан қўлланилиши мавзусидаги конференцияда иштирок этган «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлигининг «Молиявий институтлар» (Лондон) гуруҳи ижрочи директори Жон ГИБЛИНГ мамлакатимиз банк тизимининг ривожланишини юксак баҳолаб экан, «Ўзбекистон Республикасининг энг йирик тўрт банкнинг (Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», Халқ банки, Ипотекабанк) рейтинг баҳо-сини янги мезонлар жорий этилиши муносабати билан бир поғона юқорига кўтардик, — деб таъкидлади. — Бу рейтинг баҳо-лари шундан далolat берадики, биз халқаро рейтинг агентлиги сифатида Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараймиз, молия институтларининг кучли ва заиф томонларини максимал даражада объектив баҳолашга ҳаракат қиламиз».

«Мудис» халқаро рейтингнинг катта вице-президенти Майкл КОРВИНнинг куйидаги фикрлари ҳам эътиборга моликдир: «Биз айна пайтда, Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланишини прогноз қилаяпмиз. Ҳукумат томонидан яратилган иқтисодий шарт-шароитлар, мамлакатнинг сўнги йиллардаги макроеиқтисодий кўрсаткичлари банкларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда».

«Фитч Рейтингс» агентлигининг банк гуруҳи бошлиғи Жеймс УОТСОН «...жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистон

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-молиявий ислохотларнинг амалий натижалари халқаро молия институтлари, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси миссиялари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил 2-15 ноябрда юртимизда бўлган миссияси давомида Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларга ижобий баҳо берилди. Миссиянинг расмий баёнотида, жумладан, куйидагилар қайд этилган:

«Ўзбекистон икки мингичи йилларнинг ўрталаридан жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Сўнги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш сурьятлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатишга бюджет профицити, расмий заҳиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди. Бундан ташқари, банкларнинг капиталлашувини сезиларли равишда кўпайтириш банк секторини барқарорлаштириш имконини берди ва ривожланишга доир давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишга қўмақлашмоқда».

Шу ўринда 2011 йилда мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиш сурьятлари 8,3 фоизни, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса 8,1 фоизни ташкил қилганини, 2000-2011 йиллар мобайнида ялли ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробарга ошганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам банк назоратини тақомиллаштириш ва бунда назоратнинг янги во-ситаларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалада муайян амалий ишлар олиб бори-лмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг июль ойи-да Жаҳон банки техник ёрдами до-ғида Жаҳон молиявий-иқтисодий инқи-рознинг келиб чиқиш сабаблари иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам банк назоратини тақомиллаштириш ва бунда назоратнинг янги во-ситаларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалада муайян амалий ишлар олиб бори-лмоқда.

Анжунан Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишларни тўғри-сидаги қарори талаблари доирасида ташкил этилиб, мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини аниқлаш учун стресс-тест ўтказиш маса-ларига бағишланди.

Конференцияда Халқаро валюта жамғармаси вакили Хайко ХЕССЕ ХВЖнинг янги ҳужжатларида Ўзбекистон банк соҳасининг барқарорлиги юзасидан ижобий хулосалар берилганлигини қайд этди. Бунда мамлакатимиз банк актив-лари етарли даражада диверсификация қилинганлиги, банк-лар барча мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши ҳамда банк операцияларининг ажралмас қисми бўлган хатарлар-ни бошқаришда назоратнинг кучли эканлиги алоҳида таъ-кидланганлигини билдирди.

Халқаро стандартлар асосида самарали банк назор-атининг амалга оширилиши, банк ликвидлиги ва активла-ри сифати устидан доимий мониторинг олиб борилиши Ўзбекистон тижорат банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳо-ларини ўсиш им-кониятини берди. Бу эса банкларимизга жаҳон ҳамжамия-ти билан истиқболли ҳамкорликка кенг йўл очди, мам-лакатимиз учун хорижий сармояларни жалб қилиш ҳамда унинг иқтисодий ривожланиши ва жаҳон иқтисодиёти-га интеграциялашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ХВЖнинг 2012 йил 26 апрель — 3 май кунлари мамлаки-ти-ми-за бўлган навбатдаги миссияси томонидан ҳам эътироф этилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати Марказий банк бил-ан биргаликда банк назоратини янада тақомиллаштириш ва банк тизими ишончилигини мустахкамлаш масалалари-га жиҳдий эътибор бераётганлиги таъкидланди.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар ва баҳолардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон молия-банк соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг изчил давом эт-тирилиши мамлакатимиз молия-банк тизимининг халқаро мақо-васи истиқболда бундан ҳам юксалишига ҳамда халқаро молия институтларининг янада юқори баҳо-ларига эга бўли-шига хизмат қилади.

(ЎЗА)

ФРАНСУА ГОТЬЕ: МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОНДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодий соҳадаги муносабатларга келсак, 2011 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонда Франция ривожланиш агентлиги (ФРА) ўз фаолияти-ни бошлади. Умид қиламанки, яқин ойларида мам-лакатимизда ушбу агентликнинг илк лойиҳасини амалга ошириш бошланади.

Умуман айтганда, мамлакатларимиз икки то-монлама муносабатларини янада янги сифат да-ражасига кўтаришдан манфаатдор. Жорий йил-да мамлакатимизга Франциянинг икки вазири ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасини Пре-зиденти Ислол Каримов қабулида бўлиш шара-фига муяссар бўлдилар. Мазкур учрашувлар мам-лакатларимизнинг ўзаро мулоқотни янада кенгай-тиришга бўлган муштарак интилишидан далolat-дир.

— Президент Ислол Каримовнинг ташаббу-сига биноан Ўзбекистонда 2012 йил Мустақ-кам оила йили, деб эълон қилинган. Оила институтини янада мустаҳкамлаш йўлида мам-лакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида-ги фикрингизни ҳам билмоқчи эдик.

— Оила — ноёб ижтимоий институт. Инсонда-ги кадр-қиммат, тинчликсеварлик ва атрофда-гиларга ҳурмат-эътибор каби фазилатлар ай-нан оилада шаклланади. Оила авлодлар барда-вомлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу ма-нода, мамлакатимизда оилаларга, оила инсти-тутини ривожлантиришга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликка ҳавас қилса арзийди. Ўйлайманки, Ўзбекистонда оилани ривожланти-риш ва ҳимоя қилишга устувор аҳамият қарати-лаётгани ва бу йўналишда кучли манзилли иж-тимоий сиёсатнинг амалга оширилаётганини қўллаб-мамлakatлар учун ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Нодира МАНЗУРОВА

Қонун ва ижро НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикасини мустақилликни қўлга киритиши билан кучли фуқаролик жамияти куриш ва демократик ривожланиш йўлига ўтди. Буларнинг муҳим негизи эса нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади. Нотижорат ташкилотлари қисқа муддат ичун Республикаимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилиб, фуқароларнинг ташаббуси ва ижтимоий фаолиятлари асосида демократия сари бораётган жамиятнинг турли гуруҳлари манфаатларини рўйбага чиқара бошлади.

Ўз номидан кўришиб турибдики, нодавлат ноти-жорат ташкилотлари фаолиятининг асосий мақса-ди фойда олиш эмас, лекин қонунчилигимизга кўра нодавлат нотижорат ташкилотни қонун ҳужжатлари-га мувофиқ ўз низомлари мақсадларига мос кела-диган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиши мумкин. «Надавлат нотижорат таш-килотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига му-вофиқ, ташкилот қонун билан таъқиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қан-дай турини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда ташкилот учун энг асосий, тадбиркорлик фаоли-яти ва ундан фойда олиш фаолиятининг асосий мақсади бўлмаслиги керак. Маълаг билан таъмин-лашининг фақат қўшимча манбаларига эга бўлиш учунгина тадбиркорлик фаолияти амалга ошири-лади. Ташкилотнинг тадбиркорлик фаолиятдан ту-шадиган фойда нотижорат ташкилотларининг ёки аъзоларининг ўртасида қайтадан тақсимланмайди, балки низомида қўзланган мақсад сари йўналти-рилади. Мисол учун ташкилотнинг низомида кўрсати-лган фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар-ни қоплаш, ойлик иш ҳақи, ижара шартномаси учун пул тўлаш, буклетлар нашр қилиш ва ҳказо. Шу-нингдек, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, жамоат бирлаш-талари ўз маблағларидан ҳатто ўз низомида кўрсати-лмаган бўлса ҳам, хайрия мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилади.

Надавлат нотижорат ташкилоти тадбиркорлик билан бевосита ўз низомига мувофиқ ёки юри-дик шахсларнинг тижорат шўъбаларини тузиш («Надавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги қонуннинг 7-моддаси), масалан, МЧЖ орқали шуғулланиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти-нинг даромади ва харажати бўйича ҳисоб хайр-эсон ва бошқа мақсадли тушумлардан алоҳида ҳолда олиб борилади. Тадбиркорлик фаолияти билан қай тарзда шуғулланиш нодавлат ноти-жорат ташкилотнинг чикаркан қарорига боғлиқ. Ташкилот низомидаги мақсадларини амалга оши-риш учун йўналтирилган харажатлар бўйича қонун-чилигимизда бошқа кўринишдаги чекловлар мав-жуд эмас.

Аброр ФОЗИЛОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ

ЛОНДОН, ЎЗА махсус муҳбири
Зоҳир ТОШХУҶАЕВ хабар қилади.

XXX ёзи Олимпия ўйинлари ўтаётган Лондон шаҳрида мамлакатимиз олимпиячиларини шарафлашга бағишланган Ўзбекистон маданияти кечаси бўлиб ўтди.



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги элчихонаси кўмағи-да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Миллий Олимпия қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда мамлака-тимиз олимпия терма жамоаси аъзолари, халқаро спорт ташки-лотлари, маданият, санъат, спорт жамоатчилиги ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданияти, урф-одат-лари, буюк тарихини ўзига акс эттирган фотоқўرғазма, «Фонд Форум» представляет «Ўзбекистон» китоби-фотоальбоми меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш санъаткорлари ижросидаги концерт ҳам тадбир иштирокчилари-га манзур бўлди.

— Мен Ўзбекистон Республикасини Президентини Ислол Каримов ташаббуси билан халқаро

спорт турига айланган ўзбек халқининг миллий кадрияти — кураш орқали Ватанингиз тари-хи, маданияти, урф-одатларидан яхши хабардорман, — деди Буюк Британия кураш ассоциацияси бош котиби Пол Соьер. — Тад-бирда намойиш этилган фото-қўрғазма орқали юртингизга саёҳат қилгандек бўлдим. Менда Ўзбекистонга бориб, халқингиз кадриятлари билан янада яқин-

роқ танишиш истағи пайдо бўлди. — Ўзбекистонлик олимпиячилар шарафига уюштирилган ушбу та-дбир биз, спортчиларга жуда ман-зур бўлди, — деди бокс бўйича жаҳон чемпионатлари совриндори Элшод Расулов. — Бундай тадбир-лар спортчиларни яхши ҳордиқ чи-қаришини таъминлаш билан бирга ғалабаларга илҳомлантиради.

(ЎЗА)

Рангли металллар ва электрохимийвий ишлаб чиқариш технологиясига доир тадқиқот устида самарали изланиш олиб борилди. Термиз Давлат университети биуртмаси бўйича олиб борилган ушбу Ўзбекистон Фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институти жамоасининг катта ютуғи ҳисобланади.

РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Бундан ташқари «Физик-кимёвий услублар ва кри-сталлар кимёси» деб номлан-ган тадқиқот натижалари ҳам Термиз Давлат университети ўқув лабораторияларида қўлланилмоқда.

Кейинги йилларда кимёгар олимлар изланишлари асо-сида «Нодир ва қимматбаҳо металлларнинг координацион бирикмалари», «Инфракизил спектрос копия ва термик таҳлил усуллари комплекс бирикмаларга қўллаш», «Фи-зик-кимёвий услублар ва кристаллар кимёси» деган мавзулар тадқиқ қилинди. Бундан илмий муассаса кат-та иқтисодий самарадорлик-ка эришди.

Анвар ВАЛИЕВ

Иқтисодиёт

СИФАТ СЕРТИФИКАТЛАРИГА ЭГА КОРХОНА

«Стеклопластик» акциядорлик жамияти республикамиз иқтисодий ривожига салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамгаси билан тайёрланаётган мебель ва спорт инвентарлари харидориги бўлиб қолди. Корхона жамоаси ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштиришга асосий эътиборни қаратмоқда. Бу борада 70 фоизлик натижага эришилаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Махсулот турини кўпайтириш, сифатини жа-ҳон андозалари даражасида таъминлашга эри-шилмоқда. Бунда қатор янги технологиялар ама-

лиётга татбиқ этилди. Россия, Германия, Хитой мамлакатларидан келтирилган замонавий уску-налар ҳамда дастгоҳлардан фойдаланилапти.

Аҳмад ОБИДОВ

Шахримиздаги маданият ва истироҳат боғлари ҳам ўзига хос маънавият маскани ҳисобланади. Зеро, маданий-маърифий ҳордиқ ҳам маънавиятни оширишга хизмат қилади. Қолаверса, шахримиз боғларида мунтазам равишда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Қуйида шахримиздаги ана шундай маънавий-маърифий масканлардан бири — Гафур Фулом номидаги боғ хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.



наси, 2 та болалар майдончаси, 3 та спорт иншоотлари, жонли бурчак, компьютер ўйинлари хонаси, қайиқлар бекети ва ундаги кутурару бекети, шахмат-шашка клуби, тиббиёт хонаси ва кўргазмали тарғибот, тасвирий ойна кабилар мавжуд. «Улугбек юлдузлари» бадий жамоаси, «Шум бола» кўғирчоқ театри ҳамда яна 7 та бадий жамоа фаолият

Боғда «Маҳалла болаларининг ёзги таътиллари ўтказиш майдончаси» йўналишида «Тинчлик буюк бойлигимиз», «Богимиз табияти», «Ватанимиз тарихи», «Маънавият халқ таянчи», «Спорт менинг ҳаётим», «Ватанимизнинг муқаддас тарихий жойлари» тадбирлари ташкил этилган.

2011 йилнинг ўзига богимизда 60 га яқин оммавий байрамлар ва сайиллар, 50 дан ортиқ маъруза ва давра суҳбатлари, 80 га яқин кеча ва учрашувлар, 70 га яқин театрлаштирилган томошалар, 100 дан ортиқ профессионал ва хаваскорлик жамоаларининг концертлари, 200 га яқин болалар жамоаларининг концертлари ўтказилди.

Муктасар қилиб айтганда, богимизда ўтказилаётган ҳар бир тадбир ёшларимизни ва халқимизни эртанги кунга ишонч, миллий қадриятларимизга муҳаббат туйғусини уйғотади.

Дарҳақиқат, боғнинг хушманзари табиати, қўллаб ўрнатилган янги-янги замонавий ўйингоҳлар, ёзги мавсумда ҳар қуни ўтказилаётган турли-туман қизиклари тадбирлар, маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, маънавий-маърифий, оммавий-маданий, соғломлаштириш хизматлари, кўнгличор ўйинлар ҳар қуни таширғи буюраётган мингглаб дам олувчилар қалбига завқ-шаҳ бағишламоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи кейинги пайтларда нафақат хордиқ чикарайдиган, спорт мусобақалари ўтказиладиган даргоҳга, балки доимо улуг аждодларимиз, олим уфозлар, шоир ўзғувчилар, алломалар, буюк сиймоларнинг хотира тадбирлари, замонашларимизнинг ижод давралари, кўрик-танловлар, мумтоз наволар кечалари ўтказиладиган маънавият масканига айланиб бормоқда.

Насриддин БОТИРОВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида бунёд этилган бу кўркем бинодо кўплаб умидли ёш истеъодлар таълим олишади. Ўз номи билан Тошкент эстрада ва цирк санъати коллежи деб аталаётган бу санъат даргоҳида санъатсевар ўқувчиларнинг пухта билим олишлари, касб маҳоратини эгаллашлари учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Янги ўқув корпусининг бунёд этилиши билан ўқувчиларнинг қўшимча малака ҳосил қилишлари учун катта имконият яратилди. Эстрада қўшиқчилиги учун алоҳида хоналар ажратилди. Цирк санъати бўйича уюштирилаётган ўқув машғулоти ҳам замон талаблари даражасида ташкил этилмоқда. Устозлар билим ва маҳоратидан баҳраманд бўлган 120 нафардан ортиқ ёш санъаткорлар бу йил мустақил ижод сари йўлга чиқди. Улар орасида хореография йўналишида ўқишни битирган ёш истеъодлар ҳам бор.

Ақбар АЛИЕВ

ХУШМАНЗАРА ВА ОБОД МАСКАН

йилларидан бошлаб, боғнинг кўриниши янада чиroy оча борди. Боққа таширғи буюрувчилар учун барча шароитлар яратилиб, замонавий кўринишдаги музикайом ва салкин иччиликлар қаҳвахоналари, дам олиш, турли ўйинлар ўйнаш ва кўнгли очиш майдончалари ишга туширилди. Боғда доимий равишда фаолият кўрсатувчи «Карнай-сурнайчилар» жамоаси, «Улугбек юлдузлари» дастаси ташкил қилинди. «Магистраль» диско Ғуруҳи ташкил қилинди. «Улугбек юлдузлари» дастаси ташкил қилинди. «Улугбек юлдузлари» дастаси ташкил қилинди. «Улугбек юлдузлари» дастаси ташкил қилинди.

кетбол, стол тенниси бўйича доимий фаолият кўрсатувчи спорт секциялари ташкил қилинди.

1997 йилда богимизда кўплаб замонавий компьютер ўйинларини ўзида жамлаган «Компьютер хонаси» ишга туширилди.

2000 йил — «Соғлом авлод йили» муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилди ва айнан шу йилдан бошлаб, боғ жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. «Барҳаёт сиймолар» ва «Эъзоз давраси» туркум тадбирлари ташкил қилина бошлади.

2003 йилнинг май ойида Ўзбекистон халқ шоири, академик Гафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги бутун Республикада нишонланди ва боққа шоирнинг ҳайкали ўрнатилди. Шу йили шоир юбилейи муносабати билан боққа Гафур Фулом номи берилди ва боғ интернетда ўз сайтига эга бўлди.

Боғнинг умумий майдони 22 гектарни ташкил қилади. Бугунги кунда боғда хордиқ чикарувчиларга 50 дан ортиқ аттракцион хизмат кўрсатади, 2 та сув хавзаси мавжуд. Боғдаги 2 та очиқ саҳнада йил давомида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, «Маънавият тарғибот» хо-

кўрсатмоқда. Шунингдек, соғломлаштириш Ғуруҳи, фото хаваскорлар клуби, «Ишонч» спорт-соғломлаштириш клуби, «Маънавият гулшани» кизикувчилар давраси, «Чоршанба болалар кўни» бирлашмаси, «Маҳалла болаларининг ёзги таътиллари» ўтказиш майдончаси ва «Картинг» клуби мавжуд.

Дам олиш масканида йил давомида 2800 дан ортиқ турли тадбирлар, машғулотлар ўтказилади, шундан 60 физикдан кўпроғи болаларга бағишлаб уюштирилган тадбирлардир.

Масалан, боғда «Чоршанба болалар кўни» тадбирлари аънавий тарзда кўп йиллардан буён ўтказиб келинмоқда. Яқинда шу йўналишга бағишлаб «Истеъодли ёшларимиз» санъат фестивали туман миқёсда ўтказилди. Бу фестивалга тумандаги 10 дан ортиқ умумтаълим мактаблари оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончаларидан 400 га яқин ўқувчилар иштирок этдилар. Ушбу мавзудаги навбатдаги тадбир «Истиқлол берган бахт» мавзусидаги болалар байрами бўлди. Тадбирда тумандаги 16 та умумтаълим мактабларидан 700 га яқин ўқувчилар иштирок этди.

Қисқача ушбу боғнинг тарихи хусусида сўз юритадиган бўлсак, 1967 йилда Чилонзор туманидаги «Қозиробод» маҳалласи яқинида ташландиқ бўлиб ётган 22 гектарлик майдон ўзлаштирилиб, маданият ва истироҳат боғи ташкил қилинди. Туман маъмурияти бошличилигида хашарлар уюштирилиб, шу ерлик аҳоли ва ёшлар билан ҳамкорликда учар ёрдами билан майдонлар текисланди, сув чиқарилди. Дуб, қарагай, чинор, арча, терак, тол каби кўллаб манзарали, ёнғоқ, ўрик каби мевали дарахт кўчатлари экилди. Майдонда 4 гектарлик қўл ҳам ташкил қилинди.

1982 йилнинг март ойидан бошлаб, маданият ва истироҳат боғига Баҳодир Тўхтамурадович Султонов раҳбарлик қилиб келмоқда. Биз билан суҳбатда Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари, Республика маданият ва истироҳат боғи раҳбарлари Кенгашининг раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Баҳодир СУЛТОНОВ боғ фаолияти тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Утган давр ичида боғ фаолияти ва ривожига катта ўзгаришлар юз берди. Рақм майдончалари қайта қурилди, эстрада майдончалари ташкил этилди. Хўжалик ҳовлиси, маъмурий биналарда кенг таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари қурилди. Боғ ҳудудига кўплаб ноёб дарахт кўчатлари келтирилиб экилди. Янгидан-янги гулзорлар ташкил қилиниб, ўриндилар ўрнатилди.

1990 йили истироҳат боғига Мирзо Улуғбек номи берилди. Ўтказиладиган тадбирлар мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранглиши, миллий тус ола бошлади. Навруз миллий байрамимиз тикланиб, кенг миқёсда нишонланди. Шу йили боғда «Ассалом, Навруз!» мавзудада театрлаштирилган байрам сайли ташкил қилиниб, унда байрамнинг рамзий қаҳрамонлари Бободжон, Наврузой, Баҳорой, Қишбобо каби тилсолларни шахримиз театрларидан тақлиф қилинган санъаткорлар ижро этдилар. Шу кунини истироҳат боғининг барча саҳналаридида профессионал ва бадий хаваскорлик жамоаларининг концертлари бўлиб ўтди.

Аҳолининг дам олиш ва кўнглидагидек хордиқ чикаришлари учун мустақилликнинг илк

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари суртилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оилавий бизнеснинг асрлар давомида шаклланиган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тула мос келиши таъкидланган.

ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда иқтисодиётнинг турли жаҳада оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини шакллантириш, унинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш макссадлари муккасман.

Тошкентлик Йўлдош Азларов — хунармандлар сулоласининг бешикчи авлод вакили, республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси. У ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келмоқда. Уста яратган маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур.

— Оилавий тадбиркорлик билан ёшигилдан шуғулланиб келаман, — дейди Йўлдош ака. — Болалигимда отам мени ёрдам бериш учун устaxonасига олиб кетарди. Аста-секин шу касбга меҳрим тушди. Ота-боболарим ишини давом эттириш мақсадига катта акам Акром Азларовдан ўймакорлик сир-асрорларини ўргандим.

Азларовлар устaxonасига кирган киши халқ амалиий санъатининг ўзига хос сирли дунёсига тушиб қолгандек ҳис этади ўзини. Бу ерда ёғочдан ясалган турли буюмларни учратиш мумкин. Кўз ўнгингизда молҳир устанинг ноёб ижод намуналари намойён бўлади. Лаганлар, стулар, ҳассалар, қаламдонларга нозик дид билан ишланган турли нақшлар кишини ҳайратга солади... Буларнинг барчаси устанинг тинимсиз меҳнати маҳсулидир.

Йўлдош Азларовнинг таъкидлашича, бу хунарнинг барча нозик жиҳатларини ўрганиш кишидан катта меҳнат, сабр-тоқат ва изланишни талаб этади. Моҳир уста ёнғоқ, қайрағоч, чинор, ўрик ва эман ёғочларидан фойдаланган ҳолда, бетакор санъат асарларини яратмоқда. Бунинг учун нафақат табиий шартларда қуриган дарахтлар, балки

одамда ўз меҳнатига чексиз муҳаббат ва кизиқиш, бирон-бир нодир буюм яратишга кучли интилиш бўлиши керак. Уста бу ҳақиқатни ўн беш нафар шогирдига доимо эслатиб туради.

Устанинг айтишича, унинг илк шогирдлари ўз фарзандларидир. Бошқа шогирдларини ота-оналари олиб келган бўлса, баъзилар эса ўзи келган. Бугун улар ҳамжиҳатликда турли буюмлар ясамоқда.

Йўлдош ака юртимиздаги қатор маданий объектларга мезморий безак бериш учун куч-ғайрат ва маҳоратини аямая меҳнат қилди. Бугун юксак даражада нозик бадий дид билан безатилган ушбу объектлар мамлакатимиз аҳолиси ва хорижий меҳмонларни ҳайратга солмоқда. Темирйиллар тарихи Давлат музейи, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Йўлдош Азларов ва шогирдларининг меҳнати юртимизда юқори баҳоланмоқда. Хусусан, уста «Ташаббус-2011» республика кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Унинг ижод намуналари кўплаб халқаро танловларда намойиш этилди.

Азларовлар оилавий бизнесида ижодкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Хунарманднинг таъкидлашича, давлатимизнинг ҳар томонлама эътибори ва қўллаб-қувватлаши туфайли бизнеснинг ушбу тури билан шуғулланишни истайдиганлар сони тобора кўпаймоқда. Хунармандлар ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ҳар томонлама ғамхўрлик натижаси бўлиб, у оилавий бизнес шакли ҳисобланган хунармандчиликни ривожлантиришда янги имкониятлар очмоқда. Баҳамжиҳат меҳнат оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш, одамлар фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Азларовлар оиласи бунга яққол мисол бўла олади.

Адхам РАШИДБЕКОВ (ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охирида тўқатиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

- Савдога Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 05.03.2009 й. № 4132-сонли ижро ҳужжатига асосан 1968 й. «М 408», д/р. 11 У 1047 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 583 281,7 сўм. 2. 02.02.2009 й. № 2604-сонли ижро ҳужжатига асосан «УАЗ 469», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 320 315, 9 сўм. 3. 08.11.2010 й. № 9774-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. «Ауди 100», д/р. 30 S 2236 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 186 643,4 сўм. 4. 02.03.2009 й. № 4032-сонли ижро ҳужжатига асосан 1994 й. «ГБА СНГ ГАЗ», д/р. 30 J 0636 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 491 910,5 сўм. 5. 09.04.2010 й. № 3540-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. «ГАЗ 66», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 112 067 сўм. 6. 20.08.2010 й. № 7434/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. «Т-28Х4МС101», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 882 620 сўм. 7. 20.08.2010 й. № 7434/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. «2 ПТС 4793А», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 280 775,8 сўм. 8. 02.02.2009 й. № 2603-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. «ГАЗ 2401», д/р. 11 М 1943 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 656 037,3 сўм. 9. 10.07.2009 й. № 8337-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. «Камаз», д/р. X 520 EAM автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 846 068,9 сўм. 10. 17.12.2009 й. № 12395-сонли ижро ҳужжатига асосан «Зил 131», д/р. 11 L 1512 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 029 718 сўм. 11. 11.02.2011 й. № 1064/11-сонли ижро ҳужжатига асосан «Иж», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 148 984 сўм. 12. 28.08.2009 й. № 10209-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. «ГАЗ 24», д/р. 11 М 6518 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 314 010,1 сўм. 13. 04.02.2011 й. № 814-сонли ижро ҳужжатига асосан «Уаз 469», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 356 687 сўм. 14. 23.02.2009 й. № 3114-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. «ГАЗ 2401», д/р. 30 D 3293 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 669 174,2 сўм. 15. 14.04.2009 й. № 5932-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. «Уаз», д/р. 30 Z 0473 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 241 199,8 сўм. 16. 25.05.2009 й. № 7112-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. «Уаз 452», д/р. 11 В 6259 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 692 823,6 сўм. 17. 17.05.2010 й. № 4697-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. «Камаз», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 525 551 сўм. 18. 15.10.2009 й. № 10921-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «Камаз 5320», д/р. 12 F 8529 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 828 965 сўм. 19. 22.12.2008 й. № 9565-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. «Раф 2403», д/р. 11 Т 1286 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 665 716,6 сўм. 20. 17.12.2009 й. № 12400-сонли ижро ҳужжатига асосан «Урал», д/р. 11 I 5796 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 647 069,2 сўм. 21. 09.04.2010 й. № 3531-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. «ГАЗ 66», д/р. 11 W 6468 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 195 452,7 сўм. 22. 10.07.2009 й. № 8338-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. «ГАЗ 2401», д/р. 11 W 5598 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 454 153,5 сўм. 23. 02.08.2010 й. № 6653-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. «ГАЗ», д/р. 30 Т 4652 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 415 003 сўм. 24. 10.09.2009 й. № 10357-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. «Москвич 412», д/р. 11 У 2850 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 325 474, 5 сўм. 25. 19.10.2009 й. № 11244-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. «Уаз 396201», д/р. 11 О 5451 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 303 425,8 сўм. 26. 14.08.2009 й. № 9671-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. «ГАЗ 51», д/р. 11 F 0795 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 902 968,4 сўм. 27. 14.04.2009 й. № 5934-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «Уаз 452», д/р. 30 У 1147 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 934 161,1 сўм. 28. 09.02.2011 й. № 996-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «ГАЗ 24», д/р. 10 D 214 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 191 955,5 сўм. 29. 14.10.2010 й. № 8835-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. «2 ПТС 4 793 А», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 392 656 сўм. 30. 10.04.2009 й. № 5933-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. «ГАЗ 24», д/р. 30 Т 6168 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 535 638,8 сўм. 31. 07.01.2010 й. № 6630-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. «Камаз 5511», д/р. 10 Р 954 AA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 647 928,2 сўм. 32. 24.11.2010 й. № 10322-сонли ижро ҳужжатига асосан «Урал мотоцикл», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 123 120 сўм. 33. 07.09.2010 й. № 7834-сонли ижро ҳужжатига асосан «Урал мотоцикл», д/р. сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 115 425 сўм. Автотранспорт воситалари Арғин Савдо УҚДА сақланмоқда. Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 34. 29.12.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1988 й. «Ваз 21063», д/р. 11 W 2694 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 269 457 сўм. 35. 03.03.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1983 й. «Зил 131», д/р. 11 В 3000 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 018 212 сўм. 36. 19.12.2008 й. ижро ҳужжатига асосан 1979 й. «Уаз-Б», д/р. 11 А 2595 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 322 401 сўм. 37. 27.10.2008 й. ижро ҳужжатига асосан 1961 й. «Уаз 452», д/р. 11 L 6686 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 109 499 сўм. 38. 01.04.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1984 й. «Зил 131», д/р. 11 М 6398 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 780 483 сўм. Автотранспорт воситалари Янгийўл тумани Гулбаҳор қ.ф.й. «Гулбаҳор Матлубот Савдо» МЧЖ автомобиллар омборида сақланмоқда. Савдога Бекбод тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 39. 07.07.2009 й. № 11778-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. «Дайхатсу», д/р. X 714 NLM автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 266 908 сўм. 40. 14.06.2011 й. № 6908-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. «ГАЗ 31105», д/р. 10 Q 367 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 294 707 сўм. 41. 01.03.2012 й. № 5249-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. «Москвич», д/р. 11 R 9813 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 461 479 сўм. 42. 10.08.2010 й. № 13730-сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. «Ваз 2107», д/р. 10 В 4795 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 566 387 сўм. 43. 15.04.2011 й. № 3975-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. «ГАЗ 2417», д/р. 10 R 5668 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 388 112 сўм. 44. 15.04.2011 й. № 3971-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. «Ваз 2101», д/р. 11 S 7323 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 416 193 сўм. 45. 09.09.2011 й. № 21451-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. «Ваз 2103», д/р. 11 У 5308 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 780 702 сўм. 46. 13.05.2010 й. № 5807-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. «ГАЗ 31029», д/р. 12 F 8358 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 325 814 сўм. 47. 10.10.2011 й. № 22050-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. «Ваз 2106», д/р. 10 O 936 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 543 167 сўм. 48. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. «Камаз 53212», д/р. 10 А 245 BA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 258 745 сўм. 49. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. «Камаз 5320», д/р. 11 I 2685 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 855 762 сўм. 50. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. «Камаз 53212», д/р. 10 R 639 AA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 21 060 810 сўм. 51. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. «Зил 133 ГР», д/р. 10 Z 238 AA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 942 678 сўм. 52. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. «Камаз», д/р. 11 K 3293 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 21 241 238 сўм. Автотранспорт воситалари Бекбод тумани Ёшлик ХХСК да сақланмоқда. Савдога Миробод тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 53. 09.07.2012 й. № 24509/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. «Ваз 2107», д/р. 10 X 3994 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 863 642 сўм. 54. 09.07.2012 й. № 24509/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2004 й. «Нексия», д/р. 01 M 015 CA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 842 830 сўм. 55. 09



Пойтахт аҳолиснинг сузиш билан кенг кўламда шуғулланишлари учун Талабалар шаҳарчасида 2006 йили 9 гектар майдонга эга бўлган Ихтисослашган сув спорти ривожлантириш республика маркази ўз фаолиятини бошлаганди.

СУВ СПОРТИ САРОЙИ АТРОФИДА ЭКОЛОГИК БОҒ

Бугунги кунда марказда 53 ходимдан иборат жамоа аъзолари ойига 400 нафар фуқароларни сузишга ўргатмоқдалар. Болаларнинг ёзги таътили давомида эса 1200 нафар фарзандларимиз сузиш маҳоратини эгалламоқдалар. Ихтисослашган сув спорти ривожлантириш республика маркази бугунги кунда сувда сузишни ўргатиш билан бир қаторда ватерпол ва синхрон сузиш (сув рақси) каби спорт турларини ривожлантириб келмоқда. Бундан ташқари, марказ ташаббуси билан ҳар ойда шахримизда бассейнараро сузиш мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, юртимиз биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда марказнинг мохир сузувчиларидан Радион Адисов, Дарья Соболева, Лейла Исхақовалар I ўрин, Самад Мирзаев, Бунёд Абдуллаевлар II ўрин ва Артур Исхақов, Амир Абдуллаевлар эса III ўринларни эгалладилар.

Жамоадаги 12 мураббий, 1 врач, 2 тиббиёт ҳамшираси сув спорти билан машғул бўлаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларини доимо назоратга олиб турадилар. Сув спорти саройида ҳар бир сузувчи тиббиёт кўригидан ўтган бўлиши ва махсус



олияти ҳам йўлга қўйилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ихтисослашган сув спорти ривожлантириш республика маркази сув спорти саройи атрофидаги майдонларда кўкаламзорлаштириш ишларини эрта баҳордан мунтазам ташкил этиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида республика марказида 9000 туп манзарали арча, тераклар ва 2000 туп турли мевали дарахтлар экилди. Жорий йилда қатор мевали дарахтларнинг ҳосилга кирганини таъкидлаш ўринли. Шунингдек,

салвия, кетуна, гултожихўроз ва райхон каби кўплаб анвойи гуллар ҳам баҳорда экилиб, парвариш қилинган боис бугунги кунда сузиш залининг атрофи худди чаман боғни эслатади. 2012 йили баҳор фасли давомида Республика сув спорти маркази майдонидаги кўкаламзорлаштириш ишларида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан кўплаб манзарали ва мевали кўчатлар экилиб боғ ташкил қилинди.

— Бугунги кунга келиб марказимиз майдонларида экологияни яхшилаш ва атрофмўҳитни сақлаш борасида 250 туп манзарали ва мевали дарахтлардан иборат майдоннинг яшил минтақага айланишидаги фаолияти учун мазкур боққа Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Тошкент шаҳар худудий бўлимининг сув спорти саройидаги экологик боғи номи бердик, — дейди Ихтисослашган сув спорти ривожлантириш республика марказининг директори Чори Саидов.

Алишер Жўраев, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Тошкент шаҳар худудий бўлими раҳбари

Спорт янгилклари ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

Ҳамюртимиз ФИФА ҳаками Равшан Эрматов Буюк Британия пойтахти Лондонда ўтаётган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган Буюк Британия — Сенегал олимпия терма жамоалари ўртасидаги футбол учрашувини бошқаргани барчага маълум.

Шуниси қувонарлики, Равшан Буюк Британия — Сенегал олимпия терма жамоалари ўртасидаги Олимпиада ўйинларининг футбол бўйича очилиш учрашувини бошқаргани ҳолда ўзига хос рекордни тақдорлади. Жанубий Африка Республикасида 2010 йилда футбол бўйича уюштирилган жаҳон чемпионатининг очилиш ўйинини ҳам бошқариш Равшан Эрматовга nasib этган эди. Бунгача бундай натижани 1950-60-йилларда фаолият олиб борган венгриялик ҳакам Иштван Жолт қайд этган эди. Венгриялик ҳакам Жолт 1966 йили Англияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Англия — Уругвай терма жамоалари ўртасидаги очилиш ўйинини бошқарган бўлса, 1968 йилда Мехикода ташкил этилган ёзги Олимпиада ўйинларининг Мексика — Колумбия олимпия терма жамоалари ўртасидаги футбол бел-

лашувларининг очилиш ўйинига бош ҳакамлик қилган эди. Умуман олганда венгриялик ҳакам фаолияти давомида учта жаҳон чемпионатида (1954, 1958, 1966) ва ўртта Олимпиада ўйинларида (1952, 1960, 1964, 1968 йилларда) ҳакамлик қилган. Қайд этиш кераки, 34 ёшли Равшан Эрматов 2008 йилдан бери кетма-кет тўрт марта Осиёнинг энг яхши ҳаками деб эътироф этилди. Шунингдек, 2008, 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати финаллари, 2011 йилги Осиё чемпионатининг Япония — Австралия терма жамоалари ўртасидаги финал ўйинини бошқариш Равшан Эрматовга nasib этди. Дарвоқе, ҳамюртимиз Мексика — Швейцария олимпия терма жамоалари ўртасидаги учинчи тур баҳсини ҳам Лондон Олимпиадасида бош ҳакам сифатида ишончли бошқарди.

Жорий йилги футбол бўйича Ўзбекистон Кубоғининг ярим финалига яна мамлакатимизнинг етакчи жамоалари етиб келишди.

ЕТАКЧИ ЖАМОАЛАР — ЯРИМ ФИНАЛДА

Шу йилги кубок беллашувларининг ярим финалига қутилганидек «Бунёдкор», «Пахтакор», «Насаф» етиб келган бўлса, «Бухоро» жамоаси ҳам баҳсларда ишончли ғалабаларга эришди ва энди Биллур соврин учун курашни давом эттиради. Ўтган йили эса ярим финалга «Бунёдкор», «Пахтакор», «Насаф» ҳамда «Шўртан» жамоалари йўл олишган эди. Бу йил ғузорлик чарм тўп усталаридан омад юз ўғирди. Энди эътиборингизга чорак финалда қайд этилган натижаларни ҳавола этамиз: «Бухоро» — «Локомотив» — 2:0, 0:2 (пенальти 7:6), «Машъал» — «Бунёдкор» — 0:0, 0:3, «Пахтакор» — «Андижон» 2:0, 0:0, «Насаф» — «Металлург» — 4:2, 1:2.

Акбар Йўлдошев

«Лондон — 2012» ОЛТИН МЕДАЛЬ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

ЛОНДОН, 7 август. Ўза махсус муҳбири Зоҳир ТОШХУЖАЕВ хабар қилади. **XXX ёзги Олимпия ўйинларининг бокс беллашувлари ҳал қилувчи паллага кирди. 75 килограмм вазн тоифасидаги жанглорда иштирок этган 28 боксчидан энг кучли тўрт нафари ярим финал йўлланмасига эга бўлди. Улар орасида ҳамюртимиз, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ҳам бор.**

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасида ўзбек бокс мактаби дунёда етакчилардан бирига айланди. Истиклол йилларида боксчиларимиз спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Лондон Олимпиадасида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари совринли ўринлар учун курашмоқда. Аббос Атоев боксчиларимиз орасидан биринчи бўлиб ярим финал йўлланмасига эга бўлди. Дастлаб марокашлик Бадриддин Хадидийни 11:9, жаҳон чемпионати совриндори руминиялик Богдан Юратонни 12:10 ҳисобида мағлубиятга уратган ўзбек боксчиси чорак финалда 2010 йилги Осиё ўйинлари голиби ҳиндистонлик Вижендер Сингхдан 17:13 ҳисобда устун келди. — Олимпия ўйинларининг ярим финалига йўлланма олганимдан бахтиёр-

ман, — дейди икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Лекин бу билан чекланиб қолмайман. Ҳар бир спортчи каби мен ҳам олтин медалга сазовор бўлишни мақсад қилганман. Бунинг учун бор куч ва маҳоратимни ишга соламан. Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға тайёрлаш ва она Ўзбекистонимизга ёруғ юз билан қайтишни орзу қиламан. Аббос Атоев ярим финалда 2011 йилги жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори япониялик Рйото Муратага қарши рингга чиқади. Бокс мусобақасининг ярим финал баҳслари 10 августга белгиланган. Унда ғалаба қозongan икки боксчи 11 август кунини ўтказиладиган финалда ўзаро куч синашса, ярим финалда мағлуб бўлган спортчиларга Олимпия ўйинларининг бронза медали топширилади. Биз Аббос Атоевга бўлажак жанглорда улкан ғалаба тилаймиз!

(ЎЗА)

Ўйғониш даврида Италияда кўз қорачиқлари катта аёллар «урф» бўлишган. Бунинг учун итальян аёллари кўзларига заҳарли беладонна ўсимлиги шарбатини томизишган ва қорачиқларини керакли даражагача кенгайтиришган.

ТУРФА ОЛАМ

- Непалда яшовчи шерплар қабила-си аҳолисининг қонида гемоглобин миқдори одатдаги инсонларга нисбатан 20 фоиз кўпроқ. Айна шу хусусияти билан улар баланд тоғ шароитида қийналмай яшашади.
- Франциянинг Грас шаҳарчаси (жаҳон парфюмерияси пойтахти) да атиргунлик «Сантифолия» нави етиштирилади. Бу атиргул шуниси билан машҳурки, унинг япроқлари роппа-роса 100 та бўлади.
- Корейс ошхонасининг энг тансиқ таоми — сиркада пиширилган ит териси. Камбоджада эса ёғда қовурилган ўргимчакларни севиб ейишади. Африкадаги пакот қабиласи термитларни хуш кўради. Улар термитларни шундоғлигича пишириб, қуритиб, қовуриб, қайнатиб истеъмол қилишади. Қуритилган термитлар таркибида 45 фоиз ёғ ва 40 фоиз оқсил бор.
- Хитойликнинг фикрича, ақула сузгичларидан тайёрланган шўрва эркак мижозини кучайтиради. Барча императорлар ушбу рецептдан фойдаланишган.
- Нега апельсин ва сабзи зарғалдоқ рангда-ю, бодринг яшил тусда, ҳеч йўлаб

- кўрганмисиз? Гап шундаки, апельсин ва сабзининг пўстида каротин моддаси бор. У зарғалдоқ ёки қизил тусда бўлади. Бодринг пўстидаги хлорофилл эса яшил рангда.
- Афсонавий футболчи Гарринчанинг 11 та қизи бўлган.
- Леонардо да Винчи тақаларни осонлик билан синдира олган. У шунингдек, яшигини қиличбоз, сузувчи, чавандоз ҳам бўлган.
- Бугунги кунда дунёдаги энг қиммат картина Питер Пауль Рубенсининг «Гўдақларнинг саваланиши» полотносидир. 2002 йилда ушбу картина «Сотби» аукционидида 75 миллион долларга пулланган.
- Америкалик сузувчи Марк Спиц 1972 йил Мюнхенда ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида тақдорланмас натижага эришган: у 7 масофада 7 та олтин медални қўлга киритган ва 7 жаҳон рекордини ўрнатган.
- Ҳар йили дунёда 40 минг тонна эскирган уяли телефонлар ва унинг батареялари ташлаб юборилади.

Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Кимнинг кўли эгри, кимнинг кўнгли.

Иши юришмаган ҳасаддан холи бўлмайди.

Иши битган шу ишнинг битишига ёрдам қилганларни унутлади.

Кўп гапирган ўзини шарманда қилади.

Хайр-маъзур қилмай кетди-ю ёшлик, Огоҳлантирмасдан келди қарилик.

Одамлар бошқаларни муҳокама қилиб таскин топадилар.

Ўлим ҳам ким учун озодлик.

Майда нарсалар одамни улугламайди.

Чуқур ўйлаб қараса, ҳаётда нолийдигандан кўра шуқр қиладиган нарса кўп.

Инсон табияти қизиқ-да: мингта иши юришса миқ этмайди-ю, битта иши юришмаса ҳаммаёқни бузади.

Ўзидан кўрққан ўзгани айбдор қилади.

Ҳар бир оиланинг ўз сири бўлади — уни билишга бошқаларнинг ҳаққи йўқ.

Кимдан ўрганасан, кимга ўргатасан.

Аёл ҳаммадан кўпроқ эътиборга муҳтож.

Машғулот турини алмаштириб турсанг чарчамайсан.

Ҳақини талаб қиладиганлар кўпинча ўшанга арзимайдилар.

Аҳмоқнинг шубҳаси бир умр тарқамайди.

Яхшининг яхшилигини ҳамма билади. Лекин ёмоннинг ёмонлигини ҳамма ҳам билавермайди.

Инсонни бировнинг гами эмас, ўзининг дарди емиради.

Нодон пушаймон нималигини билмайди.

Мўрт одам ҳаёт синовларига бардош беролмайди.

Хаёлпарастнинг кўзларини ҳаётнинг ўзи мошдай очиб қўяди.

Яхши одам қанча кўп яшаса, шунча кўп фойда келтиради.

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г - 841

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г - 841

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65 факс: (371) 232-11-39
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди.
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.20

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кучаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Топшириш вақти: 13.00